

АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони асосида “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ПФ-4947 Фармонида белгиланган вазифаларни бажариш, замонавий илм-фан ютуқлари, инновацион ғоялар ва ишланмаларни қўллаб-қувватлашга доир устувор вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш билан боғлиқ ислоҳатларнинг илмий-назарий асосларини ўрганиш мақсадида 2020 йил 7 майда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Илм-фан бўлими (электрон журнал) ва Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети билан ҳамкорликда 2020 йилнинг 7 май куни “Глобаллашув шароитида Ўзбекистонда инновацион ғояларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-фалсафий, таълимий йўналишларининг ривожланиш истикболлари” мавзuida республика миқёсида анжуман (онлайн) ўтказилишини маълум қиламиз.

Анжуманда барча олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, педагог ходимлари, илмий-тадқиқот муассасалари тадқиқотчилари ва илмий ходимлари, докторантлар, магистрантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар илмий-амалий мақолалар ва тезислар билан иштирок этишлари мумкин.

Анжуман қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади:

1. Глобаллашув шароитида Ўзбекистонда инновацион ғояларнинг ҳуқуқий масалалари.
2. Инновацион жараёни ўрганишнинг назарий-услубий ва иқтисодий жиҳатлари.
3. Инновацион ижтимоий тараққиётнинг фалсафий муаммолари ва инновацион ғояларнинг мантиқий таҳлили.
4. Таълимга инновацияларни жорий этишнинг долзарб муаммолари ва ечимлари.

Анжуман материаллари ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)да онлайн тарзда эълон қилинади.

Материалларни расмийлаштиришга доир талаблар:

Илмий-назарий, илмий-амалий мақолалар 6 варақдан, тезислар 3-4 бетдан ошмаслиги, шубба рақами қўйилиши ҳамда имло хатосиз бўлиши шарт. Тезис номи катта ҳарф билан 1 интервалда ёзилади. Тезислар А4 ўлчамда қатор оралиғи 1,5 интервалда, 14 шрифтда, чап, ўнг, юқори ва пастки чегаралари 30; 15; 20 ва 20 мм бўлиши керак.

Тезисларнинг электрон варианты Windows 2003 Microsoft Word RTF (шаклида) дастурида, Times New Roman шрифтида ёзилган бўлиши керак. **Мақола файлида шубба рақами кўрсатилиш шарт.**

Тезис биринчи бетининг ўнг қисмида муаллифнинг исми шарифи, отасининг исми (тўлик), илмий даража, илмий унвони, лавозими, ташкилот ва олий ўқув юртининг номи ва мақола тилида кўрсатилиши шарт. Муаллифнинг электрон манзили, телефон рақами кўрсатилади. Бир муаллифдан фақат битта тезис 2020 йилнинг 24 апрелига қадар қабул қилинади. Таҳрир кенгаши томонидан ўтмаган, юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган маъруза тезислари қабул қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Тўлов баҳоси бир варағи 15.000 сўм.

Анжуман тўғрисидаги батафсил маълумот ЎЗА веб-сайтида жойлаштирилган.

Манзил: Тошкент, 100.000, Буюк Турон кўчаси 42 уй.

Мурожаат учун телефонлар: ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал) (+99871) 233 09 21.

Масъул: Гулжаҳон Мардонова (Телеграм): +99899 833 62 71

U'zbekiston Milliy axborot agentligi-O'ZA
SHAX/VAR: 400110860262737950100133001
INN: 200547444; OKONX: 97300
Moliya Vazirligi Gaznachiligi
HISOB RAQAMI: 23402600300100001010
Markaziy bank Bosh boshqarmasi Toshkent sh.
MFO: 00014; INN: 201122919